



«ECO EXPO CENTRAL ASIA – 2026»
САМАРҚАНДА
«ЯШИЛ»
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
КЎРГАЗМАСИ



ЖАММИЯТ

№ 11 (981)
2026 йил
9 апрель,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

ОТАМ ЭККАН ТЕРАКЛАР

КОМИЛЛИК ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ



5 ДАҚИҚАЛИК ҚУЛАЙЛИК Ортидаги 400 йиллик муаммо



«ECO EXPO CENTRAL ASIA – 2026» САМАРҚАНДДА «ЯШИЛ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРГАЗМАСИ



2026-йил 31-майдан 5-июнгача «Силк Роад Самарканд» туризм мажмуасида «Eco Expo Central Asia 2026» халқаро экологик технологиялар кўрғазмаси бўлиб ўтади. Тадбир Глобал экологик фонднинг VIII Ассамблеяси билан параллел равишда ташкил этилади, бу эса кўрғазманинг халқаро даражадаги нуфузини янада оширади.

Кўрғазма Марказий Осиёдаги энг йирик платформалардан бирига айланади, унда экология ва барқарор ривожланиш соҳасида фаолият юритаётган дунёнинг етакчи компаниялари, инновацион стартаплар, давлат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар бирлашади. 180 дан ортиқ мамлакат вакилларининг иштироки кутимокда, бу эса тажриба алмашиш, илғор ечимларни намойиш этиш ва янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш учун ноёб имкониятлар яратади.

Тадбирнинг асосий мақсади – “яшил” технологияларни илгари суриш, экологик лойиҳаларга инвестицияларни рағбатлантириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Экспозиция кенг йўналишларни қамраб олади: яшил энергетика, барқарор қишлоқ хўжалиги ва сувни тежовчи технологиялардан тортиб экотуризм, чиқиндиларни қайта ишлаш, “ақлли” шаҳарлар ва эколо-

гияда сунъий интеллектдан фойдаланишгача.

Кўрғазма доирасида, шунингдек, тематик зоналар, намойиш майдончалари, стартап худудлари ва интерактив инсталляциялар ташкил этилади.

Иштирокчиларнинг амалий ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилади. Дастурда бизнес-сессиялар, эксперт муҳокамалари, B2B, B2G ва B2C форматидаги музокаралар, шунингдек, битимлар имзолаш ва инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон худудлари учун алоҳида майдонлар ажратилади, уларда экологик вазиятни яхшилаш ва худудларни барқарор ривожлантиришга қаратилган амалдаги ва истиқболли ташаббуслар тақдим этилади.

Кўрғазмада етакчи халқаро ташкилотлар ҳам

иштирок этади, жумладан, UNEP, UNECE, FAO, GEF, GGGI, IUCN, UNCCD, CSM ҳамда Ramsar конвенцияси. Уларнинг иштироки барқарор ривожланиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва табиий ресурсларни оқилона бошқариш соҳасида илғор ечимларни алмашиш ва илгари суришга хизмат қилади.

Кўрғазманинг GEF Ассамблеяси билан параллел ўтказилиши глобал кун тартиби ва минтақавий ташаббуслар ўртасидаги самарадорликни кучайтиради, шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган экологик ислохотлар ва лойиҳаларга халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этади.

Кўрғазмада иштирок этиш ва кўрғазма стендини брон қилиш учун расмий сайт орқали рўйхатдан ўтиш зарур: <https://ecoeexpo.uz/>

ШХТга экологик ҳамкорлик кун тартиби илгари сурилди

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари Жусипбек Казбеков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси, 2026-йил 2–3-апрель кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган экспертлар йиғилиши ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича вазирлик ва идоралари раҳбарларининг еттинчи учрашувида иштирок этди.



сонининг ортиб бориши каби муаммоларга эътибор қаратилди. Ушбу муаммолар ШХТ худудидида барқарор ривожланиш ва экологик барқарорликка жиддий хавф туғдираётгани таъкидланди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Жусипбек Казбеков Қирғиз Республикасига муваффақиятли раислик қилгани ҳамда йиғилишнинг юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, минтақавий ҳамкорликни кучайтириш, тажриба алмашишни кенгайтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим барқарорлиги соҳасида қўшма ташаббусларни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон томони мамлакатда амалга оширилаётган “яшил” трансформация жараёнларини алоҳида қайд этди. Жумладан, кенг қўламли ўрмонлаштириш ишлари, айниқса, Орол денгизи қуриган тубида амалга оширилаётган лойиҳалар,

шунингдек, ҳар йили 200 миллион туп дарахт экишни назарда тутувчи “Яшил макон” умуммиллий ташаббуси ҳамда 2028-йилгача ботаника ва дендрология боғлари ташкил этилиши тилга олинди. Бундан ташқари, “Тоза ҳаво”, “Чиқиндирсиз худуд”, “Экологик маданият” ва “Биомерос” каби қатор миллий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон минтақавий экологик ҳамкорлик платформаси сифатидаги ролини мустаҳкамлаб бораётгани, жумладан, Самарқанд шаҳрида йирик халқаро тадбирларни ўтказаяётгани ҳамда Глобал экологик фонднинг VIII Ассамблеяси ва «Eco Expo Central Asia 2026» тадбирларига тайёргарлик кўраётгани қайд этилди.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистон томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқлим ўзгариши бўйича Битим лойиҳаси, Махсус ишчи гуруҳ ташкил этиш, шунингдек, иқлимга мослашув, декарбонизация ва экологик хавфларни прогнозлашда сунъий интеллектдан фойдаланишга қаратилган минтақавий платформани ишга тушириш таклиф этилди.



“Барқарор тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида 25 йил бира” мавзусида ўтказилган йиғилиш глобал муаммолар кучайиб бораётган бир шароитда экологик ҳам-

корликни мустаҳкамлашга бағишланди. Хусусан, иқлим ўзгариши, ер деградацияси, сув танқислиги, биохилма-хилликнинг камайиши ҳамда экстремал табиий ҳодисалар



Ўзбекистон ва GEF

VIII Ассамблея арафасида ҳамкорликни мустаҳкамламоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов ва Глобал экологик фонд (GEF) бош ижрочи директори Клод Гаскон ўртасида видеомулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида томонлар Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган VIII GEF Ассамблеясига тайёргарликнинг ташкилий жиҳатларини атрафлича кўриб чиқдилар.

Шунингдек, Ассамблеянинг ишбилармонлик ва маданий дастурининг бир қатор муҳим йўналишлари, жумладан, “Боқий шаҳар” ма-

жмуасида маданий тадбирлар ташкил этиш ҳамда ёшлар санъат кўргазмасини ўтказиш масалалари бўйича келишувга эришилди.

Учрашув давомида мутахассисларни профессионал алмашинув ва салоҳиятни ошириш мақсадида GEF га юборишни назарда тутувчи дастурни амалга ошириш бўйича битим имзоланган ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, “Марказий Осиё тоғ экотизимлари” минтақавий лойиҳасини амалга ошириш учун 5,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши тасдиқлангани маълум қилинди. Ушбу лойиҳа Жаҳон банки иштирокида амалга оширилади. GEF Ўзбекистонга жамғарманинг донор давлатига айланиш имкониятини ҳам кўриб чиқишни таклиф этди. Бу мақом республикага ташкилот молиявий ресурсларини тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш жа-

раёнида иштирок этиш имконини беради.

Бундан ташқари, умумий бюджети 26 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи “Марказий Осиё сув ва ер ресурслари ўзаро боғлиқлиги (CAWLN)” минтақавий дастурини ишга туширишга бағишланган юқори даражадаги давра суҳбати ўтказиш бўйича келишувга эришилди. GEF, шунингдек, Марказий Осиёда йирик мушуксимон хайвонлар популяциясини сақлашга қаратилган минтақавий лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва GEF ўртасида ҳамкорлик юқори суръатда давом этиши, шунингдек, барқарор ривожланишни илгари суриш ва минтақадаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишга эътибор янада кучайтирилиши таъкидланди.

ТАҲРИРИЯТДА МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Ишонч» газетаси 35 ёшда

Касаба уюшмалари нашрлари янги рақамли босқичга қадам қўймоқда — энди бу нафақат газета, балки меҳнат ва ижтимоий жараёнлар атрафида шаклланаётган медиа платформалардир.



Тошкентда ўтказилган «Трансформация шароитида касаба нашрлари — конвергенция сари йўл» халқаро анжумани асосий саволни ўртага қўяди: рақамлашув шароитида ўқувчи ишончини қандай сақлаб қолиш ва таҳририятларни рақамли иқтисодиёт мантиғига қандай мослаштириш мумкин.

Бугун ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳам рақамли экотизимга айланмоқда: онлайн музокаралар, масофавий маслаҳатлар, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги форматлари айнан рақамли мулоқот асосида шаклланмоқда. Бундай шароитда ишонч фақат қоғоздаги газета

орқали эмас, балки очиклик, тезкорлик ва аудиториянинг рақамли платформалар орқали фикр билдириш имкониятлари асосида қурилади.

Халқаро Конфеернция доирасидаги маърузаларда медиа таҳририятлари учун янги бизнес-моделлар, рақамли аналитика ва замонавий медиастратегиялар бутунлай зарур экани таъкидланди. Гап классик газетадан Telegram, YouTube, Instagram ва веб-сайтларда барча форматларда ишлай оладиган мультимедиа брэндага ўтиш ҳақида кетмоқда.

«Медиа-конвергенция, рақамли таҳририят ва медиаиктисодёт» секцияси замонавий касаба таҳририяти

— бу ягона рақамли newsroom эканига урғу беради: битта жамоа турли платформалар учун матн, видео, аудиоконтент ва махсус лойиҳаларни тайёрлайди, бу жараёнда аудитория маълумотлари ва контентни пуллаш (монетизация) механизмларидан фойдаланилади.

Дастурда алоҳида ўринни журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ёш олим ва тадқиқодчилари эгаллади, улар касаба нашрларини медиа-конвергенциянинг тирик лабораторияси сифатида ўрганиб чиқди. Улар таҳририятларда сунъий интеллект ва RAG-тизимлардан фойдаланиш, замонавий журналистлар учун янги рақамли кўникмаларни ривожлан-

тириш зарурияти касаба фаолияти ёритилишида постжурналистика феноменига илмий ёндашув қўлланилди.

Дейиш мумкинки, шу тарзда назария, рақамли технологиялар ва ОАВ таҳририятлари амалиётини уйғунлаштираётган Марказий Осиёда касаба ахборот сиёсатининг рақамли ишончининг янги модели шаклланмоқда: ўқувчи газета саҳифасидаги муаммони эмас, балки унинг ечими — онлайн маслаҳат, «ишонч телефони», очик музокара ва касаба етакчилари билан очик мулоқотдир.

Нозима МУРАТОВА,
ЎзЖОКУ профессори



Тарих – серкирра, кўп қатламли, кенг кўламли, мураккаб ҳаётий жараёнлар таърифно таҳлилини мужассамлаштирган жаҳоний фан.

Ватан тарихи, халқ тарихи, миллат, шажара ва оила, уни ҳаракатга келтирадиган айрим шахслар фаолияти натижасида тарих вужудга келади, бутун бир тараққиёт даврини юзага келтиради.

МАЪРИФАТ ҲОМИЙСИ



Шахс, одамзод – ҳақиқатлаб, озодлик ва эрк учун курашчи, демак унга эришади ҳам! У ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий адолатни қарор топтиради. Тарихда ўнлаб, юзлаб инсонлар бор – ҳақиқат, адолат, ҳақиқат чироғи уларнинг келажагини нурга тўлдирган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам тарих майдонига ана шундай – ҳақиқат, озодлик ва истиқлол, ўз халқи, миллати мустақиллигини қўлга киритиш, энг муҳими, уларнинг фаровонлигини таъминлаш учун келди.

Амир Темур давлатни раванак топтиришда илм-фаннинг аҳамияти нақадар зарур ва буюклигини чуқур ҳис қилган. Шу сабаб, олиму уламоларга катта иззат-икром кўрсатган. Ўзи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган. Шахматни яхши билган, тарихни, айниқса, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темурбек билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган улкан араб файласуфи Ибн Холдуннинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини яхши ўзлаштирган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур олиму фузалолар билан ўтказган бир учрашувида: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз насихатлари билан қадимда подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу

ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларига мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агар олдин бизнинг дикқат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан», деган оташин сўзларни айтган эди.

Кўриниб турибдики, Соҳибқирон давлатни бошқариш, фуқаронинг турмуш шароитларини яхшилаш ишларида ўзгаларнинг жўяли маслаҳатларидан ҳам ўринли фойдаланган. Шунингдек у ўз она тили – туркий тилдан ташқари форс тилини ҳам мукамал билган. Замонаси талабига ҳар томонлама амалий жавоб бера оладиган, тафаккури чуқур инсон бўлган. Дарҳақиқат, Темур ўнг ва сўл қўлларида бирдек ёзишни машқ қилган. Кейинчалик эса мукамал хуснихат битишга, моҳирлик билан қилич ўйнатишга ўрганган. Амир Темур Мовароуннаҳрни тиклашни қурултойлар ўтказишдан бошлаган. Унда шаҳзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олиму уламолар ва бошқалар қатнашиб, давлат ҳаётига доир барча муҳим масала-

ларни баҳамжихат хал этганлар. Соҳибқироннинг дину диёнат, илм аҳлига муносабати халққа, Ватанга муносабатининг узвий бир бўлагидир. У ислом динига катта меҳр-муҳаббат билан қараган, Куръонни муқаддас билган. Жаҳонгирнинг жангу жадалларида бу асар унга руҳий куч-қувват ва мадад бағишлаган. Дин пешволарига эса Амир Темур иззат-икром кўрсатган. Давлат ишларини юритишда уларнинг фикрларига кулоқ тутган.


У умр бўйи салтанат ва миллатнинг улуғ мартабасини, сاداتини сақламок, ташвиши билан яшади: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз улсун», деган теран сўзлар асосида яратилган «Тузуқлар» эл-юрт ва айниқса, оддий меҳнат аҳли ҳимояси учун дунёга келганлигини англаб олиш мушкул эмас. Амир Темурнинг шухратини оламга ёйган нарсанинг эзгу сиёсати, илми ва маърифий ишлари эканлигига асло шубҳа йўқ. Амир Темур наинки ўз юрти Мовароуннаҳрда, балки ўзи фатҳ этган мамлакатларда

ҳам адолатни тиклади. Тижорат ишларини гуллаиб-яшнатди. Савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлади. Бобомиз Темурнинг «ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тусдим», деган битиклариёқ, фикримизнинг далилидир.

Амир Темур ўз давлатини софлик, ҳалоллик, ахлоқ-одоб, поклик асосида қуришга бутун билими, кучи ва тажрибасини сарфлади. Амир Темур давлати «Рости – дурусти, агар қалбинг пок бўлса, эркинсан» тамойили билан иш тутди.

Жамиятнинг шарқона маънавий қиёфаси юксаклиги билан ажралиб туради. Хушфезллик, ширинсуханлик, мулойимлик инсон фазилатининг олий намунаси. Бундай хислатлар Амир Темурнинг хулқ-атворида мужассам эди. «Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмасин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб». Демакким, Темур бобомиз ахлоқ-одоб бобида ҳам юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган.

Мурод НОМОЗОВ



КОМИЛЛИК ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Ширинсуханлик ва муомала кишининг ақл-идроки, ахлоқ-одоби, билими, маданий савияси ва тафаккурининг қай даражада эканини акс эттиради. Шундай экан, муомала одоби, сўзлашув ва маданият ҳақида гапирганимизда, энг аввало, ўқувчиларни кушмуомалали бўлишга, ҳар бир сўзни юксак дид, фаросат, ақл-идрок ва мулойимлик билан ифода этишга одатланмоғимиз керак.

Ростгўйлик – чинакам инсонийликка хос олижаноб фазилат бўлса, ёлгончилик тубанликка бошловчи зарarli иллатдир. Ёлгонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз фарзандларига бирор нарсени ваъда қилиб, кейин уни бажармаслиги ҳам ёлгонга киради. Муқаддас манбаларда айтилишича, ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса истикболга элтади. Ёлгончилик ёвузликка, ёвузлик эса тубанликка бошлайди. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлгончи одамга ёмон баҳо берадилар:

Юсуф Хос Ҳожиб шундай деган:

*Тилингни тия тут,
тишинг синмайди.
Бу турган халойиқ,
сенга кулмайди.*

Халкимизнинг «Сўзловчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин», деган оқилона ҳикмати ҳам бор. Бир доно киши ўғилларини йиғиб шундай дебди: «Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзинг, ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг ва ниҳоят,

ёдлаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг».

Шундай экан, биз педагоглар ўтказилаётган турли тадбирлар, адабий кечалар, тарбиявий дарс соатларимизда ўқувчилар одобахлоки, одамийлиги, ўзаро муомаласи, ота-боболарига бўлган ҳурмати ва биз яшаётган «Ширинобод» маҳалласида ўзларини қандай тутмоғи кераклиги ҳақида ҳаётий мисоллар келтирамиз. Шунингдек, бу ҳақда ўзбек халқ мақоллари, афоризм ва ҳикматли сўзлардан ҳам ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, сўзлаш одоби аввало, салом-алиқдан бошланади. Бу маҳаллада яшовчи таниш ёки нотаниш кишилардан қатъи назар, ўзаро муносабатларимизда бир-биримизга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромни ифодалайди, албатта. Ҳақиқатан ҳам сўзлаш одоби одамийликнинг ёркин кўзгусидир. Агар кексаларимиз ёки илм аҳиллари суҳбатларида бўлсак сукут сақлаб, кўпроқ эшитиб, уларнинг ўнгитлари ва ҳаётий тажрибаларидан оқилона фойдаланишни унутмасликни ўқувчиларга уқтириб борамиз. Ҳар бир ўқувчи ўртоғи ва бошқалар томонидан иззат-икром ва ҳурмат қилишларини истар экан,

у бошқаларнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиши лозимлиги тақозо этилади.

Лекин болалар ўртасида кўрс, кўпол муомалада бўлувчилар ҳам учраб туради. Улар ёнидагиларнинг дилини жароҳатлайди, дил жароҳатини эса ҳеч бир малҳам билан тuzатиб бўлмайди. Демак, ҳар бир сўз юксак дид, фаросат ва ақл-идрок билан, мантиқ тарозисида ўлчаниб, кейин мулойимлик билан ифода этилмоғи керак бўлади.


Қисқаси, ўтказилаётган тадбир, учрашув ва тарбиявий дарс соатларида фақат инсонгагина хос бўлган сўз – гавҳар, маъно эса сўзнинг жони эканлиги, сўзлашув, муомала киши зийнати, у ўзига хос санъат, бу санъатни эгалламоқ лозимлигини ўқувчиларимиз онгига сингдириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Шу мавзуга доир маҳалла фаоллари, зиёли инсонлар иштирокида кўплаб учрашув ва суҳбатлар, китоб кўргазмалари, расм чизиш кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг билим сирларини пухта эгаллаши ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўқувчиларимизни маънавий-ахлоқий шаклланишида она табиатга меҳр уйғотиш, экологик

маданиятни шакллантириш масалалари ҳам тарбиянинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Она табиатни севган киши, унинг борликларини асрашни ҳам муқаддас билади. Ўқувчиларимиз билан “Она табиатни асраймиз”, “Табиат ва биз”, “Биз тоза экология тарафдоримиз”, “Экологик маданият” каби шиорлар асосида давра суҳбатлар тарғибот тадбирлари доимий олиб борилади.

Мавзулардаги тадбир ва учрашувларимиз ўқувчиларимиз қалбида она табиатга меҳр уйғотиш билан биргаликда уларнинг комил инсонлар бўлиб тарбияланишига хизмат қилади.

Жасур КИЧИБОЕВ,
Самарқанд туманидаги
50-умумий ўрта таълим мактаби
директори



Лекин болалар ўртасида кўрс, кўпол муомалада бўлувчилар ҳам учраб туради. Улар ёнидагиларнинг дилини жароҳатлайди, дил жароҳатини эса ҳеч бир малҳам билан тuzатиб бўлмайди. Демак, ҳар бир сўз юксак дид, фаросат ва ақл-идрок билан, мантиқ тарозисида ўлчаниб, кейин мулойимлик билан ифода этилмоғи керак бўлади.





5 ДАҚИҚАЛИК ҚУЛАЙЛИК

ОРТИДАГИ

400 ЙИЛЛИК МУАММО



Хар куни кўпчилигимиз учун бу оддий одатга айланган: нонвойхонадан иссиқ нон олиб, уни полителин (пластик) пакетга соламиз ва уйга қайтамиз. Бу жараён биз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдек туюлади, чунки пакет бизга фақат бир неча дақиқа хизмат қилади.

Нонни олиб бўлгач, уни ташлаб юборамиз ва ўша пакет ҳақида бошқа ўйламаймиз. Аслида эса айнан шу ерда катта муаммо бошланади. Беш дақиқалик қулайлик ортида 400 йиллик экологик фалокат яширин. Полителин пакет табиатда тез йўқ бўлмайди. Оддий чиқиндидек бир неча кун ёки ой ичида йўқолиб кетмайди. Аксинча, у юзлаб йиллар давомида ўша жойда қолади. Куёш нури, шамол ва ҳарорат таъсирида у аста-секин емирилади ва жуда майда бўлақларга бўлинади. Бу майда бўлақлар “микропластик” деб аталади. Улар кўзга кўринмайди, аммо табиат ва инсон учун жуда хавфлидир. Полителин пакет ерга ташланганидан кейин шамол уни бошқа жойга учуриб кетади ёки ёмғир суви орқали ариқларга, дарёларга олиб тушади.

У ердан эса денгиз ва океанларга етиб боради. Сувга тушган полителин вақт ўтиши билан янада майдаланади ва сувдаги жониворлар томонидан ютилади. Балиқлар, қушлар ва бошқа ҳайвонлар бу майда пластик бўлақларни озика деб қабул қилади. Кейинчалик эса одамлар шу балиқларни истеъмол қилади. Шу тариқа пластик зарралар яна инсон организмга қайтиб келади.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, полителин пакетлар тўлиқ йўқ бўлиб кетиши учун 100 йилдан 400 йилгача вақт талаб этилади. Бу

шунинг билан, сиз беш дақиқа ишлатган пакет сиздан кейинги тўрт авлод ҳаётига ҳам таъсир қилади. Бу муаммо фақат Ўзбекистонга хос эмас, бутун дунё олдида турган глобал экологик таҳдиддир.

Бироқ турли давлатлар бу муаммога турлича ечим топган ва уларнинг тажрибаси биз учун катта сабоқ бўла олади. Германияда 2015-йилдан бошлаб бир марталик пластик пакетлар учун қонуний чекловлар жорий қилинган. Мамлакатда аксарият супермаркетлар фақат қалин ва қайта ишланадиган пакетларни таклиф қилади. Пластик пакет нархи сезиларли даражада оширилган, шу сабабли харидорлар мато ёки қоғоз пакетларни афзал кўради. Натижада Германияда пластик пакет истеъмоли қарийб етмиш фоизга камайган. Францияда эса бир марталик пластик пакетларни сотиш бутунлай тақиқланган. Унинг ўрнига биологик парчаланадиган материаллардан тайёрланган пакетлар қўлланилади. Франция ҳукумати бу қарорни чиқиндиларни қисқартириш ва табиатни асраш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг бир қисми сифатида қабул қилган. Ривожланган мамлакатлардан яна бир муҳим мисол — Жанубий Корея. Бу давлатда пластик чиқиндилар билан курашиш тизими жуда каттик. Аҳоли чиқиндиларни турига қараб алоҳида ажратиши шарт. Пластик пакетлар бепул бе-

рилмайди, уларни сотиб олиш керак ва нархи анча юқори. Бунинг натижасида одамлар ўзлари билан мато сумка олиб юришга ўрганиб қолган. Жанубий Кореяда қайта ишланадиган чиқиндилар улуши етмиш фоиздан ошади. Африка китъасида эса Руанда давлати пластик пакетларни бутунлай тақиқлаган биринчи мамлакатлардан биридир. Мамлакат пойтахтида пластик пакет олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш қонун билан ман этилган. Руанда бугунги кунда Африканинг энг тоза давлати деб тан олинган.

Ўзбекистонда ҳам бу борда ижобий ўзгаришлар мавжуд. 2019-йилдан бошлаган ҳолда бир марталик полителин пакетларнинг бепул тарқатилиши босқичма-босқич чекланмоқда. Баъзи йirik супермаркетларда қалинроқ ва қайта фойдаланишга мўлжалланган пакетлар таклиф қилинмоқда. Бироқ, муаммо тўлиқ ҳал қилинмаган. Нонвойхоналар, бозорлар ва кичик дўконларда ҳали ҳам арзон бир марталик пакетлар бемалол ишлатилмоқда. Кўпчилик бир пластик пакетнинг табиатга қандай зарар етказишини англамайди ёки бунга аҳамият бермайди. Мазкур муаммонинг таҳлили шунини кўрсатадики, масалани ҳал қилишнинг учта асосий йўли бор. Биринчиси — қонунчилик даражасида таъқиқ ёки жиддий чекловлар жорий қилиш. Чунки ҳукукий тартибга солиш орқали давлат назоратини амалга ошириш мумкин. Иккинчиси — иқтисодий рағбатлантириш. Яъни пластик пакетни қимматлаштириш ва экологик муқобил пакетларни арзонроқ қилиш. Учтинчиси — аҳоли онгини

ўзгартириш. Бунинг учун таълим, тарғибот ва тарбия зарур. Энг яхши натижага учала йўл биргаликда қўлланилганда эришилади. Бу муаммони фақат катта ташкилотлар эмас, ҳар бир инсон ўз кундалик одатлари орқали ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин. Пластик пакет ўрнига мато сумкадан фойдаланиш, бир марталик пластик идишлардан имкон қадар камроқ фойдаланиш ва чиқиндиларни тўғри ташлаш орқали табиатга тушаётган зарар камаяди. Нонвойхонага ўз сумкангиз билан бориш, сабзавот ва меваларни вазли пакетсиз сотиб олиш, сувни бир марталик пластик идишларда эмас, балки ўз ичимлигингизда олиб юриш — буларнинг ҳаммаси кичик, аммо муҳим қадамлар.

Табиат биздан катта нарса сўрамайди. У фақат эҳтиёткорлик ва масъулиятни талаб қилади. Ҳар бир кичик ўзгариш катта натижага олиб келиши мумкин. Биз бугун қилаётган ҳаракатларимиз билан келажакни белгилаймиз. Шунинг унутмаслик керакки, биз ташлаган битта полителин пакет бугунги кунда арзимасдек туюлади, лекин у беш дақиқалик қулайлик эвазига 400 йиллик муаммога айланиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир қароримизни ўйлаб қабул қилишимиз керак. Бизнинг авлодимиз пластик асрда яшамоқда. Кейинги авлодлар эса бу қарорларимиз тўғрисида тоза ҳавода нафас оладими ёки микропластик билан нафас оладими, бунинг учун биз ҳал қиламиз.

Нодира ОБИДОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси





МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ


Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



«FACTFULNESS»

ДУНЁГА БОШҚАЧА КЎЗ БИЛАН ҚАРАШНИ ЎРГАТУВЧИ КИТОБ

Ахборот асрида яшаётган бўлсак-да, дунё ҳақидаги тасаввуримизнинг ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди, ҳатто хавфли даражада пессимистик ҳамдир. Ханс Рослингнинг “Factfulness” (“Фактдорлик”) китоби (АҚШ, “Flatiron Books” нашриёти, 2018 йил) айнан мана шу хатоларни фожиа ва фактларга асосланган, реалистик дунёқарашни таклиф қилади.

Рослинг – шифокор, статист ва халқаро соғлиқни сақлаш бўйича эксперт сифатида ўзининг узок йиллик тажрибасига таянади. У инсоният ҳақидаги кенг тарқалган нотўғри тушунчаларни кўрсатиб, оддий саволлар орқали ўқувчини синондан ўтказди: “Бугун қашшоқлик даражаси қандай?”, “Аёллар ўқияптими?”, “Дунё хавфлироқ бўлиб қолмадими?” Кўпчилик бу саволларга салбий жавоб беради. Рослинг эса статистика орқали дунё тобора яхшиланиб бораётганлигини исботлайди. Китобнинг асосий хулосаси қуйидагича: инсонлар дунёдаги воқеликни ёмонроқ кўришга мойил. Бунга бир қатор инстинкт сабаб бўлади – драматизм, кўрқув, дуалистик фикрлаш, ўсишни ҳаддан зиёд баҳолаш қабилар. Ёзувчи ҳар бир инстинктни реал ҳаётдаги мисоллар билан тушунтириб, ундан қандай қочиш кераклигини ўргатади. “Factfulness” шунчаки статистик маълумотлар тўплами эмас. У замонавий журналистлар, сиёсатчилар, ўқитувчилар ва оддий китобхонлар учун дунёга соғлом фикр билан қараш ҳақидаги асар. Ханс Рослинг ўз сўзида самимий, қизиқарли ва ижтимоий масъулиятли бўлиб қолади. Китобдаги графиклар, ҳаётий ҳикоялар ва соддалаштирилган таҳлиллар ўқувчини қизиқтирмай қолмайди. У китобни бериб ўқиш баробарида ўзидаги саволларга жавоб ҳам излай бошлайди.

Ханс Рослингнинг “Factfulness” асарининг ўзбек тилидаги таржимаси (“Асахий” нашриёти, 2022 йил. Таржимон Алишер Нуриддинов) умумий жиҳатдан эътиборга лойиқ бўлса-да, мазмун-моҳиятини аслиятдагидек сақлашда, услуби ва нозик қирраларини тўлиқ ифода этишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Шунингдек, терминологик ноаниқлик ҳам кўзга ташланиб туради. Китобдаги асосий психологик инстинктлар номланиши (ҳар бир бобнинг сарлавҳалари таржимада) аниқликдан йироқлашган. Масалан, “The Gap Instinct” боби “Бўшлиқ инстинкти” деб таржима қилиниши семантик жиҳатдан тўғри эмас. Чунки бу ердаги “gap” сўзи “фарқ”, “тафовут” маъносини англатади. Тўғри таржима “Фарқ инстинкти”. Шунингдек, “The Size Instinct”нинг “Ҳажм инстинкти” тарзида берилиши ҳам мавҳумлик уйғотади – аслида бу инстинкт статистик маълумотларнинг нисбий миқёсини нотўғри идрок этиш хусусиятини билдиради. “Миқёс инстинкти” ёки “Нисбат инстинкти” каби шакллар маънавий жиҳатдан аниқроқ бўлур эди. Бу каби терминологик чалкашликлар асарнинг илмий асосланган концептуал ёндашувини сусайтиради ва ўқувчининг аниқ тушунишига қийинчилик туғдиради.

Бундай ёндашув Рослингнинг асосий услубий қуроли – статистик

фактлар орқали дунёқарашни ўзгариширишни хиралаштиради. Муаллиф шажараси ва услубининг йўқолиши бунга мисол бўла олади. Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири муаллифнинг соддалиги, танқидий ҳазили ва ўқишга енгиллик берувчи оҳангидир. Афсуски, таржимада бу оҳанг кўплаб жойларда сустлашган ёки бутунлай йўқолган. Чунончи, “Chimpanzees would score better than most people on this test” жумласи бефарқ тарзда таржима қилиниб, муаллифнинг кескин танқидий кайфияти етказилмаган. Аслий матндаги киноя ва ижтимоий-психологик танқид руҳияти таржимада тўлиқ акс эттирилмаган. Ҳаддан ташқари соддалаштириш ва чуқурлик етишмаслиги асарнинг савиясига путур етказмай қолмайди. Таржимада мураккаб тушунчалар кўпинча ҳаддан ташқари соддалаштирилган. Бу ўқувчига китобни осон тушунишга ёрдам бергандек туюлиши мумкин, аммо бу билан муаллифнинг ёндашуви, фикрлаш доираси ва таҳлилий чуқурлиги анча йўқотилган. Айниқса, муаллиф келтирган реал воқеалар, график таҳлиллар ва саволлар таржимада юзаки акс этган.

“Factfulness” – бу инсоният ҳақидаги эски ва ноҳолис тасаввурларни парчалайдиган, фактлар орқали дунёқарашимизни қайта шакллантирадиган ўқимишли асардир. Ханс Рослинг ўқувчини стереотиплар ва иррационал фикрлардан халос этиб, реал фактлар асосида ҳаётга соғлом ва умидбахш нигоҳ билан қарашга чақиради. Асарнинг тили равлонлиги, ҳаётий мисоллари ва статистик графикларга бойлиги уни ҳар қандай китобхон учун тушунарли ва қизиқарли бўлишини таъминлаган. Асарнинг ўзбек тилига таржима қилингани таҳсинга сазовор бўлса-да, унда терминологик аниқлик, муаллифнинг танқидий шижоати ва фактларга бўлган муҳаббати тўлиқ акс этмаган. Шунинг учун, келгусида таржимани янада пухта, муаллиф услубига содиқ ва илмий асосланган тарзда қайта ишлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Фарангиз ТАШБУЛОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси



ОТАМ ЭККАН ТЕРАКЛАР

Султонмурод тракторчи бир пиёла чой ичиб, почта ёнидаги гурунгоҳга қўзғалмоқчи бўлиб тургани, аёли: — Эшитдингизми, Халил ошнангиз яп-янги машина олибди, сиз эса юраверинг қарта ўйнаб, — деб “чақиб” олди.



Султонмурод хотинининг сўзларига ишонмади. “Эй, аёл дегани кеча кўрган тушини эрталаб рост деб, гапираверида-да”, деб кўйди.

Йўқ, Мастура бу гал тушини эмас, ростини айтган экан. Жума бозорига отланган Султонмуроднинг ёнига оқ “Кобальт” келиб тўхтади. Қараса, дўсти Халил кулимсираб турибди. У машинага ўтириб, ошнаси билан ҳол-аҳвол сўрашди, улов билан кутлади.

– Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-ёв, – деди Халил ошнасига ўгирилиб, – пенсияга чиқибсан, эшитмабман, ўзим ҳам рўзғорни деб икки йилдан бери андармон бўлиб кетдим. Катта неварамга иморат қурдим, ўртанчаси ўқишга кирди, бу йил эса манови “шеф”га шу аравани олиб бердим, – деди машинани бошқараётган йигитчани кўрсатиб.

Султонмурод ошнасининг сўзларига кулоқ тутиб, унинг анча ўзгарганига, аввалги бўш-баёв Халил эмаслигига хайрон қолди. Бозорга етиб келишгач, Султонмурод чўнтак кавлаган эди, “мени ким деб ўйлаясан?” деб қойиб берди. Икки кадрдон чойхонада учрашамиз деб, бири мол бозорига, иккинчиси эса кийим-кечак растасига йўл олди.

Қуёш тиккага келганда икковлон бир пиёла чой баҳона суҳбат қурди.

– Биласан, ҳовлим катта ариқнинг бўйида, – дея сўз айтди Халил чойни қайтариб бўлгач.

– Отам раҳматли бир йили ариқ ёқалатиб қўярда-қўймай терак экти-

риб чикқан эди. Терак дегани шўх бўларкан, тўрт-беш йил ўтгач, бўй кўрсатди, харидори кўпайиб қолди. Бир куни инсофлиси келди, барисини сотдим, бир белқарс пул бўлди. Аёлим билан пулни нимага сарфлашни режалаётган эдик, уйимизга отамнинг узангидоши Турсун ота меҳмон бўлиб келди.

Суҳбат якунида отахон мендан:

– Хўш, ўғлим, ошна экан теракларнинг пулини нима қилмоқчисан? – деб сўраб қолди.

Мен бирор тайинли режам йўқлигини айтдим.

– Бўлмаса, пуллари бу ёққа олиб кел!

Мен аёлимга имо қилдим. У тугунни отахоннинг ёнига қўйди.

– Қанча?

– Ўн беш миллион.

– Яшириб қолганларинг йўқми, – дея отахон жилмайди ва пулни қўлтигига солиб дарвозага етгач, “эртага ўғилларингни олиб, мол бозорга бор” деб жўнаб кетди.

Эртасига Турсун ота менга саралаб ўнта кўзи олиб берди, ўшанда Наврўз арафаси эди, ўзи бош бўлиб қамов қурдирди. Ҳар куни тонг сахарда туриб кўзиларни зовурнинг ёқасида боқадиган бўлдим. Отахон эса яна бир куни келиб томорқамнинг ярмига беда уруғини сочиб кетди. Ёзга келиб таниш фермердан икки тонна сара арпа сотиб олдим. Сунбулада ўғилларим беш юз даста янтоғни ғарам қилиб кўранинг четига босишди. Сўнгра тирамада, кун салқинлагач, кўзиларни қамов-

га солдим. Эй, ошна, кўй-кўзи дегани ажойиб бўларкан, қарайверсанг, эт олавераркан. Саккиз ой деганда кўзилар кўзни қувонтирадиган кўчқорларга айланди. Остонамдан қассоблар кетолмай қолишди. Бироқ сотишга Турсун ота изн бермади, сабр қилдим. Қамовни қулфлаб қўйдим, бегонани киритмадим, ирим шундай бўларкан.

Нихоят, усти ёпиқ “КамАЗ”да бир йигит келди ва кўчқорларимизни айтган нархимизга олиб кетди. Қўлимга бир дунё пул тушди. Ярмига тўрт хонали уйга етадиган қурилиш жиҳозлари сотиб олдим, қолганига пенсиямдан қўшиб, яна қирқ бош эртачи кўзи олиб келдим. Бокдик, қарадик. Ўзим, ўғилларим, келинларим, аёлим тиним билмадик.

Кўзиларнинг “дам”ига ўртанча ўғлимга дўкон очиб бердим, келинларга тикув машинаси, ортганига эса манави машинани олдим. Бугун яна қирқга кўзини ўғилларим олиб кетишди. Икки-уч йилда йигирма

йилда ҳам тополмайдиган даромадга эга бўлдим.

Эй, дўст, гўринг нурга тўлгур отам терак эктирмаганда, Турсун ота йўл-йўриқ кўрсатмаганда, сенга ўхшаб пенсия пулини кутиб юрармидим. Кексаларнинг сўзига амал қилиб кам бўлмадим, бой бўлдим, рўзғоримга хайр-барака келди. Фарзандларим, келинларим, набираларим ялқовлик, боқибандалик деган дарддан халос бўлди. Энг асосийси, улар меҳнат қилса, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш мумкинлигини англаб етишди. Бекорга Нақшбанд бобомиз: “Дилинг Оллоҳда, кўлинг ишда бўлсин” деб нақл қилмаган экан.

Султонмурод ошна, маслаҳатим, сен ҳам сўзларимни ақл тарзисига солиб кўр, айтганимни қилсанг, болаларинг бировнинг қўлига мўлтираб қарамайди, ёт юртларда азиз жонини хатарга қўйиб сарсон юрмайди.

Бозордан қайтган Султонмурод тракторчининг боши қотди. У ўзининг турмуш кечирини бобида ошнаси Халилдан анча орқада қолганини ич-ичидан ҳис этди. Кўнглида нимадир уйғонди. Кечкурун ўғиллари, келинларини маслаҳатга чақирди. Барча топганини ўртага қўйди.

Эртасига рўмолга тугилган пулни белига боғлаган Султонмурод тракторчи таниши Райҳон чўпон билан кўй олгани бозорга жўнади.

**Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**